



**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ўтказилган
Й И Ғ И Л И Ш Б А Ё Н Н О М А С И**

03 август 2021 йил

№ 8/1

Нукус шаҳри

Йиғилиш раиси:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбасари в.в.б Қ.Бекбаулиев

Қатнашдилар:

Вазирликнинг барча ходимлари
(руйхат бўйича)

К У Н Т А Р Т И Б И:

Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси махсус комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига нисбатан қўзғатилган 2021 йил 6 июл кунги 06-12/23-сонли иш бўйича қабул қилинган қарорга асосан 23-сонли кўрсатмаси тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбасари Қ.Бекбаулиев йиғилишни очиб берди ва кун тартибидаги масала юзасидан қўйидагиларни айтиб ўтди.

Хусусан: Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, 1 қисми, тўртинчи хатбоши яъни, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва энгилликларни асоссиз равишда бериши талабларини бузиш ҳолатларини тўхтатилиши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги келгусида Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, 1 қисми, тўртинчи хатбоши талабларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги мазкур кўрсатманинг биринчи ва иккинчи қисмларида таъкидлаб ўтилганлигини ўқиб эшиттирди.

Шу билан бирга, мазкур кўрсатманинг талаблари бажарилганлиги ҳақида бир ойлик муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига ахборот тақдим этилиши лозимлиги, ушбу кўрсатманинг 1,2,3-бандларини ихтиёрий равишда белгиланган муддатда бажаришдан бўйин товлаганлик ёки белгиланган муддатда бажармаганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилишига сабаб бўлиши кўрсатилганлиги, яъни кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаш, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон

Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 178-моддаси, биринчи ва учинчи қисмлари ҳамда Жиноят кодексининг 183-моддасига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берди.

Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш.

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси махсус комиссиясининг 2021 йил 6-июл кунги 06-12/23-сонли иш бўйича қабул қилинган қарорга асосан 23-сонли кўрсатмаси раҳбарликга олиб ижрочиси таъминлансин.

2. Вазирнинг юридик бўлими бошлиғи С.Атамуратов, вазирликнинг ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи М.Есбосинов, ўрганишда аниқланган камчиликларни бартааф этиш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Олиб борилган ишлар ҳақида белгиланган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига ахборот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Туман(шаҳар) Халқ таълими бўлимлари мудирларига, “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, 1 қисми, тўртинчи хатбоши яъни, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳорлатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериш талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўймасликнинг барча чораларини куриш;

Бўлимга қарашли мактабгача таълим ташкилотлари директорлари билан ушбу баённома ўқув таништирилсин.

4. Қарор ижрочиси назорати ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби:



И.Айназаров